O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 7 март, № 45 (3844) Сешанба

Халқимизнинг эзгу анъаналарига кўра, хонадонга меҳмон келдими, аввал у бир пиёла чой билан сийланади. Табиийки, меҳмонга нафис пиёлада чой узатишдан мезбон ҳам ҳузур қилади. Ана шу хислатни яхши англаган чинни-созлар чиройли ва бежирим ошхона буюмлари ишлаб чиқариб, уларни хонадон бекаларига манзур қилишга интилишади.

Дастурхонимиз кўрки

"Қувасой чинниси" акциядорлик жамиятида ҳозирда 78 хилдаги чинни ва ўтга чидамли уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқарилмоқда. 1050 нафар ишчи меҳнат қилаётган ушбу жамоада сифат ва миқдор кўрсаткичларини ошириш асосий вазифалар сирасига киради.

— Илгарилари маҳсулот учун хомашё Россия ва Украина давлатларидан олиб келинарди, — дейди корхона бош муҳандиси Пўлатжон Эхтиборов. — Шу сабабли маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи ошиб кетарди.

Корхонамизга янги технологиялар жалб этилиши ҳамда маҳаллий хомашёдан фойдалана бошлаганимиз айни муддао бўлди. Ушбу омиллар ва жамоамизнинг изланишлари туфайли маҳсулотларимиз харидоргирлиги ошмоқда. Устувор лойиҳага кўра, ишлаб чиқариш цехлари кенгайиб, тез орада ишчилар сони 3000 нафарга етади.

СУРАТЛАРДА: корхона маҳсулотидан намуна; пиёлалар Шаҳноза Маматова қўлларидан ўтгач, сайқаллашади.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисида Шартномани (Москва, 2005 йил 14 ноябрь) ратификация қилиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 27 январда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 25 февралда маъқулланган

Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисида Шартнома (Москва, 2005 йил 14 ноябрь) ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 6 март.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

6 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар Олий Мажлис Қонунчилик платасининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Сенати бешинчи ялпи мажлисидаги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузаларидан келиб чиқадиган вазифаларини муҳокама қилдилар. Барча сиёсий партиялар фракциялари вакиллари давлатимиз раҳбарининг маърузаларида баён этилган қоидалар ва хулосаларнинг амалда рўёбга чиқарилиши мамлакатимизнинг изчил ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар. Қонун ижодкорлиги фаолияти самарадорлигини ошириш, мамлакатни ривожлантиришнинг қонунчилик базасини мустаҳкамлаш борасида парламент олдига қўйилган вазифаларни бажариш ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш учун алоҳида аҳамият касб этади.

Масала муҳокамаси чоғида Қонунчилик палатасининг фаолияти танқидий таҳлил қилинди. Хусусан, айрим қўмиталар қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ўз вақтида тақдим этмаётганлиги, уларни жиддий камчиликлар билан палата муҳокамасига қўяётганлиги билдирилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўмиталари ўртасида аниқ мувофиқлаштиришнинг йўқлиги парламент фаолиятига салбий таъсир кўрсатаётганлиги таъкидланди. Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолиятини сифат жиҳатидан яхшилаш учун Олий Мажлис палаталарининг ҳамкорликда самарали ҳаракат қилиши механизмини кучайтириш ва энг аввало, қонунларни кўриб чиқиш ва қабул қилиш жараёнида қуйи ҳамда юқори палаталарнинг тегишли қўмиталари ва тузилмалари ўртасидаги муносабатларни такомиллаштириш зарурлиги қайд этилди.

Сайловчилар билан бўлиб ўтган учрашувларнинг якунларига асосланиб, депутатлар таъкидладиларки, фуқаролар Ўзбекистон раҳбариятининг жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштиришга, мамлакатда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилган йўлини қизғин қўллаб-қувватламоқдалар. Аҳоли шу билан бирга жойларда қонунларнинг ижроси устидан парламент назоратини кучайтириш истакларини баён этмоқда. Шу муносабат билан назорат-таҳлил фаолиятини кучайтириш, маҳаллий Кенгашлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш ва улар билан биргаликда тадбирлар ўтказиш юзасидан таклифлар киритилди.

Мажлисда Қонунчилик палатасининг назорат-таҳлил фаолияти давомида депутатлик сўровидан янада кенгроқ фойдаланиш зарурлиги таъкидланди. Депутатлик сўрови қабул қилинган қонун ҳужжатларининг ижроси, мамлакат раҳбарияти қабул қилган қарорларнинг амалда рўёбга чиқарилиши устидан назорат қилишнинг қудратли ва самарали воситасига айланиши зарур. Депутатлик сўровидан фойдаланиш амалдаги қонунда аниқ мустаҳкамлаб қўйилган.

Президент И. А. Каримов Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлисида адолатли таъкидлаганларидек, «қабул қилинаётган қонун ва қарорларимизни жойларга етказиш, кенг тушунтириш ишларини, тарғиботларни ўтказиш ва кечиктирмасдан ҳаётимизга жорий этиш — бугунги кунда фаолиятимизнинг оқсоқ бир томонига айланиб қолмоқда». Шу сабабли мажлисда депутатларнинг оммавий ахборот воситаларидаги ва сайлов округларида аҳоли ўртасидаги чиқишларини кўпайтириш, қабул қилинган қонун ҳужжатларининг моҳиятини тушунтириш учун маҳаллий Кенгашлар вакиллари, олимлар ва мутахассисларни кенгроқ жалб этиш таклиф қилинди.

Депутатлар ўтказилаётган конференциялар, семинарлар ва «давра суҳбатлари»нинг самараси кам бўлаётганлигини ҳам таъкидладилар. Айрим тадбирлар расмиятчилик учун ўтказилмоқда, уларда ҳақиқий ахвол чуқур таҳлил этилмаяпти, мавжуд нуқсонлар аниқланмаяпти, тегишли соҳа мутахассислари кенг жалб этилмаяпти. Ишлаб чиқилган тавсиялар кўпинча манфаатдор давлат органлари ва жамоат ташкилотларига етказилмайди, маъно жиҳатидан юзаки бўлиб, амалий аҳамиятга эга эмас.

Парламент фракциялари вакиллари Қонунчилик палатасининг жорий йил ва келгуси йиллар учун мўлжалланган қонун ижодкорлиги ҳамда назорат-таҳлил фаолияти режаларини кучайтириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, демократик ислоҳотлар ва ижтимоий ҳаётдаги янгиланишларнинг долзарб масалаларини уларда акс эттириш, қонун чиқарувчи орган олдига мамлакат Президенти қўйган вазифаларни бажариш мақсадида ана шу ҳужжатларни танқидий жиҳатдан қайта кўриб чиқиш ҳамда тўлдириш юзасидан таклифлар киритдилар.

Муҳокама этилган масала юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг тегишли қарори қабул қилинди.

Партия фракцияларида

САБОҚ ВА ХУЛОСАЛАР

Кеча «Адолат» социал-демократик, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал демократик, Фидокорлар миллий демократик ҳамда «Миллий тикланиш» демократик партияларининг Қонунчилик палатасидаги фракция йиғилишлари бўлиб ўтди.

Йиғилишлар мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг шу йил 24 февраль куни Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлисидаги нутқидан келиб чиқадиган вазифалар ва фракцияларнинг жорий йилдаги режаларига бағишланди.

Хусусан, «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг йиғилишида юқоридаги масалалар қатори давлатимиз раҳбарининг шу йил 10 февраль куни Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва жорий йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим устувор йўналишларига бағишланган йиғилишидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш борасидаги фаолияти ҳақида сўз юритилди. Фракция аъзолари халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари депутатлари билан ўзаро алоқаларни кучайтириш, улар ўртасидаги ҳамкорликнинг янада самарали бўлишига эришиш лозимлигини таъкидладилар.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракциясининг йиғилишида парламентнинг ўтган йил амалга оширган ишлари тўғрисида сўз юритилди. Унда қуйи палата депутатларининг профессионал фаолияти таҳлил этилди. Икки палатали парламент тизимига ўтиш амалда пишиқ ва пухта қонунларни қабул қилишда муҳим омил бўлаётгани алоҳида таъкидланди. Йиғилишда сўзга чиққанлар Президент Сенатнинг ялпи мажлисида таъкидлаган юқори палата фаолиятидаги камчилик ва нуқсонлар Қонунчилик палатаси ишига ҳам таллуқли эканини қайд этдилар. Фракция аъзолари иш режаларини қайта кўриб чиқиш ва турли даражадаги депутатлар ҳамкорлигини фаоллаштириш бўйича ҳаракат режасини ишлаб чиқишга қарор қилишди.

Фидокорлар миллий демократик партияси фракциясининг йиғилишида депутатлар ўтган йил давомида қуйи палатанинг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолияти ва ўтказилган семинар тренингларда ўз таклиф ҳамда мулоҳазалари билан қатнашганликлари ҳақида гап борди. Шунингдек, унда мамлакатимизда кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш ва мавжуд муаммоларни ҳал этишда фракция аъзолари маҳаллий депутатлар билан узвий алоқа ўрнатиши зарурлиги қайд этилди.

«Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг йиғилишида ҳам ўтган йилда амалга оширилган ишлар танқидий таҳлил этилди. Жорий йилда фракция аъзолари ўз иш режаларини мамлакатимиз раҳбари Сенатнинг ялпи йиғилишидаги нутқида қайд этган масалаларни инобатга олган ҳолда режалаштириши зарурлиги таъкидланди. Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамасида 2005 йил якунлари ва жорий йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан белгиланган вазифаларни самарали бажариш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

* * *

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг қуйи палатадаги фракциясининг 3 март куни бўлиб ўтган йиғилишида Қонунчилик палатаси йиғилишлари самарадорлигини ошириш масаласи алоҳида ўрин олди. Унда сўзга чиққанлар иккинчи ўқишга киритилаётган қонун лойиҳалари бўйича моддамамодда овоз бериш ва фракция таклифларини ҳимоя қилишда кўпроқ принципиаллик кўрсатиш лозимлигини таъкидладилар.

Салим ДОНИЁРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

2004 йилнинг март ойида фаолият бошлаган "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ўтган қисқа муддатда ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш, уларга ҳаётда ўз ўринларини топишларига ёрдамлашиш, имконият яратиш ҳамда талаба ёшларнинг истеъдодларини тўла намоён этишлари учун қатор дастурий лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда.

«Талабалар ташаббуслари» форуми

Мазкур тадбирлар юртимизда қобилиятли, илмга чанқоқ, келажакда етук мутахассис бўлиб етишишга интилаётган ёшларни излаб топиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва иқтисодий муаммоларини ҳал этишда катта аҳамиятга эга.

Куни кеча пойтахтимиздаги замонавий санъат марказида жамғарманинг "Талабалар ташаббуси" форуми бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳридаги қатор олий ўқув юртлари проректорлари ва талабаларнинг 150 нафардан ортиқ вакиллари қатнашдилар.

Форум республикамизда истиқомат қилиб, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабалар ҳаётини янада қизиқарли қилишга, уларнинг мазмунли дам олишлари учун зарур шарт-шароит яратишда янги лойиҳалар тақдим этади. Албатта, бунда талабаларнинг ўзлари ҳам фаол қатнашадилар. Шунинг учун ҳам, биринчи навбатда, уларнинг форумнинг "Ёшлар қаноти" ни тузиш ҳақидаги фикр-мулоҳаза, таклиф ва ғояларини тингланди.

— "Талабалар ташаббуси" форуми талабаларни ташаббускорлик, изланувчанлик ва интилишга ундайди, — дейди Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг биринчи курс магистрантлари Дилмурод Маматов ва Абдурасул Умаров. — Энг муҳими уларни ҳамиша бирлаштириб ва жипслаштириб туради, жўшқинликка чорлайди.

Форум доирасида "Келажак овози", республикада илк бор ўтказилаётган "Таълим грантлари дастури" ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими билан ҳамкорликда уюштирилган "Интеллектуал олимпиада" танлови ҳамда Стипендия дастурининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Г. ҲУСАНОВА, "Халқ сўзи" мухбири.

Ўқитиш жараёни такомиллашмоқда

Яқинда Урганч шаҳрида «Модернизация қилинган ўқув дастурлари ва дарсликларни тажриба-синовдан ўтказиш натижалари» мавзусида республика ҳудудий семинари ўтказилди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий вилоятлари халқ таълими вакиллари қатнашдилар.

Семинарда ўқитиш жараёнларини янги босқичга кўтариш, янгича мазмун билан бойитиш, давлат таълим стандартларини амалга татбиқ этиш, дарсликлар устида ишлаш хусусида фикр алмашилди. Бу борада дуч келинаётган муаммолар ва уларнинг ечими ҳақида баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди.

Анжуман иштирокчилари янги ўқув дастурлари бўйича тажриба-синов ўтказилаётган бир нечта мактабларда бўлишиб, ишларнинг бориши билан танишдилар.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Осиё ўйинлари:

КУРАШНИНГ ЯНГИ МАҚОМИ

Осиё Олимпия кенгаши президенти Шайх Аҳмад ал-Фаҳад ас-Сабаҳ таклифига биноан шу йилнинг 4 мартида мазкур ташкилот бош қароргоҳида Кураш халқаро ассоциацияси ва Осиё Олимпия кенгаши раҳбарияти ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

ҚХА матбуот хизмати хабарида айтилишича, ООКнинг 45 юбилей конгресси доирасида уюштирилган учрашувда ўзаро ҳамкорлик самаралари муҳокама қилинди. Эсингизда бўлса, 2002 йил Пусан (Жанубий Корея)да ўтказилган Осиё ўйинларида ўзбек кураши бўйича кўргазмали чиқиш амалга оширилганди. 2003 йили Осиё Олимпия кенгаши низомининг 59-бандига ўзгартириш киритилиб, "Кураш ООК томонидан Осиё спорт тури сифатида расман эътироф этилди ва Осиё ўйинлари дастуридан ўрин олишга ҳақли" эканлиги қайд этилди.

Учрашувда Осиё Олимпия кенгаши президенти ўзбек курашининг жаҳондаги ривожига алоҳида тўхталар экан: "Кураш дунё халқлари ўртасида дўстлик, тинчлик ва ҳалоллик тамойилларининг тарғиботчиси бўлиб қолади. Шу йили Қатарда ўтадиган Осиё ўйинларида ўзбек кураши қитъамизнинг энг жозибали спорт тури сифатида кўпчиликда яхши таассурот қолдиришига ишонаман", дея таъкидлади.

Маълумки, 2002 йил ҚХА ўзининг олий мукофоти — "ҚХА олтин ордени"ни таъсис этганди. Биринчи мукофот 2002 йилда миллий қадриятимиз — курашни халқаро майдондаги оламшумул ривожига бош-қош бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга тақдим этилди. Шунингдек, бу нуфузли орден билан (2004 йил) Ҳиндистон Миллий Конгресси раҳбари Сони Ганди ва Халқаро Олимпия қўмитаси президенти Жак Рогге (2005 йил)лар тақдирланганди.

Ўзбек курашининг Осиё ўйинлари қаторидан жой олишида қўшган ҳиссаси учун ООК президенти Шайх Аҳмад ал-Фаҳад ас-Сабоҳ ҳам Кураш халқаро ,ассоциациясининг "Олтин ордени" билан тақдирланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

«Ташаббус — 2006»

Бунёдкорлик кўриги

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Чирчиқ шаҳрида "Ташаббус-2006" республика кўрик-танловининг пойтахт вилояти босқичи бўлиб ўтди. 50 дан ортиқ тадбиркор, фермер ва ҳунармандлар иштирок этган ушбу тадбир барчада катта қизиқиш уйғотди. Сабаби, кўргазмага қўйилган маҳсулотлар ва товарлар сифати, ташқи кўриниши жиҳатидан хорижникидан асло қолишмас эди.

Кўрик-танловда "Чирчиқэнергомаш" ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари ўринбосари Бауржон Селиханов "Энг яхши тадбиркор", Тошкент туманидаги "Тўхтаниёз ота" фермер хўжалиги етакчиси Мухтор Тўхтаниёзов "Энг яхши фермер" ва Оҳангарон шаҳридан Зарифа Баҳодирова "Энг яхши ҳунарманд" сифатида республика босқичига йўлланмани қўлга киритишди.

* * *

САМАРҚАНД

"Ёшлар маркази" биносида бўлиб ўтган "Ташаббус-2006" кўрик-танловининг вилоят босқичида хусусий тадбиркор, фермер ва ҳунармандларнинг 200 турдан ортиқ маҳсулотлари намойиш этилди. Кўргазмадан маълум бўлдики, бу йилги кўрик-танловга қўйилган қурилиш материаллари қаторига яна бир маҳсулот — сифатли шифер ҳам қўшилибди. Уни Ургутдаги "Яшил олтин" масъулияти чекланган жамияти қўли гул усталари тақдим этибди. Ушбу корхонада ишлаб чиқариш ҳажми эса бугунги кунда бир миллиард уч юз тўрт миллион сўмни ташкил этмоқда.

Танловда босқич ғолиблари номи аниқ бўлди. Унга кўра, Ургут туманидаги "Яшил олтин" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Зайниддин Аҳроров "Энг яхши тадбиркор", Пастдарғом туманидаги "Парда бобо Мирзақобилов" фермер хўжалиги етакчиси Убайдулла Пардаев "Энг яхши фермер", қўшработлик Гулнор Чинниева эса "Энг яхши ҳунарманд" номига сазовор бўлди.

Ҳосил КАРИМОВ, "Халқ сўзи" мухбири.
Адҳам ҲАЙИТОВ, Даврон АҲМАД олган сурат.

Ўтган ҳафтага назар

ВАТАНГА ХИЗМАТ — ОЛИЙ САОДАТ

Бугун тараққиёт шу даражага етдики, қаерда содир бўлганидан қатъи назар, ҳар бир воқеа ҳақидаги хабар саноқли дақиқалардан сўнг жаҳоннинг барча нуқталарига етиб боради.

Куни кеча «Евроньюс» телеканали тарқатган ахборотда айтилишича, «Ал-қоида» террорчилик ташкилоти раҳбарларидан бири Айман аз-Завоҳирий радикал гуруҳларнинг интернетдаги вебсайти орқали ўз тарафдорларига мурожаат қилиб, бутун дунё бўйлаб қўпорувчиликни кучайтиришга чақирди.

Терроризмнинг қанчалик кенг қулоч ёйганини, дунёдаги ҳеч бир мамлакат ўзини унинг хуружидан холи дея олмаслигини бугун барча тушуниб етган. Хўш, террорчиликка йўл қўймаслик, Ватан сарҳадларига бундай шум ниятли ғанимларнинг суқилиб кирмаслиги учун нима қилиш керак? Аввало, юртимизда яшовчи барча фуқаролар ҳушёр бўлмоғи лозим. Тинчликни сақлашнинг энг муҳим кафолати эса замон талабларига жавоб берадиган, энг сўнгги қуроллар билан таъминланган қудратли армияга эга бўлишдир.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, бошқа соҳаларда бўлгани каби ҳарбий соҳада ҳам қатор ислоҳотлар амалга оширилди. Армиямиз энг замонавий қуроллар билан таъминланди. Аскарларнинг профессионал маҳоратини оширишга, улар онгида Ватанга муҳаббат, ҳарбий қасамёдига садоқат руҳини кучайтиришга эътибор қаратилди. Илгари аскарлар икки йил хизматда бўлса-да, қўлига қурол ушламасдан қайтиб келган ҳоллар кўп бўлган. Бугунги ўзбек аскари эса ҳар қандай мураккаб қуролдан фойдалана олади. Чунки вазият, давр шуни талаб қилмоқда.

Ўтган ҳафта Президентимизнинг «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Унда ҳарбий хизматга энг соғлом, сара йигитларни танлаб олиш лозимлиги таъкидланган. Шунингдек, армияга кузатиш, ҳарбий хизматни ўтаб бўлган ёшларни кутиб олиш маросимларини кенг жамоатчилик, фахрийлар, маданият арбоблари, бадиий жамоаларнинг иштирокида ўтказиш белгиланган. «Бундай тадбирларни амалга ошириш армияга чақирилувчилар ва хизматни ўтаб келган ёшлар, уларнинг ота-оналари ҳаётида унутилмас воқеа бўлиб қолиши, ёшларни маънавий-ахлоқий, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш самарадорлигини оширишга ёрдам бериши керак», дейилган қарорда.

Шу ўринда яна бир нарсани таъкидламоқ лозим. Фарзандларимиз йигитлик бурчларини ўз юртимизда, ўз сарҳадларимизда ўтамоқда. Кўриб турибмизки, бугун кўплаб давлатларнинг ҳарбийлари ўзга юртларда хизмат қилмоқда. Масалан, биргина Ироқнинг ўзида бир неча хорижий давлатларнинг 160 минг нафардан кўпроқ ҳарбийлари хизмат муддати тугаб, эсон-омон ўз юртига қайтиш орзусида яшамоқда. Ўтган ҳафта Sunday Telegraph ва Sunday Mirror газеталари 2007 йилда АҚШ ва Буюк Британия ўз ҳарбийларини Ироқдан олиб чиқиб кетмоқчи, деган хабарни тарқатди. Маълумотда айтилишича, ҳозир Ироқда 135 мингта АҚШ ва 8,5 мингта Англия аскарлари бор.

Орадан бир кун ўтиб Американинг Ироқдаги ҳарбий қўмондонлиги бу хабарни рад этди. Қўмондонлик вакилининг таъкидлашича, Ироқда ташкил этилган армия ва полиция ҳозирча мамлакат хавфсизлигини таъминлай олмайди. Шундай экан, иттифоқчи кучларнинг Ироқни тарк этиши ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Армия ҳақида гапирганда, уларни қурол-яроғ билан таъминлаш масаласини ҳам тилга олиб ўтиш зарур бўлади. Ўтган ҳафта Франция Президенти Жак Ширак расмий ташриф билан Саудия Арабистонига келди. Музокаралар чоғида икки мамлакат ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий, маданий алоқаларни ривожлантириш масалалари билан бирга, қурол-яроғ савдоси ҳақида ҳам гап борди. Яқин йилларда Саудия Арабистони Франциядан жами етти миллиард долларлик қурол сотиб олади. Бу қуроллар орасида ҳаво ҳужумига қарши мудофаа тизими ҳамда «Рафал» русумли ҳарбий самолётлар бор.

Ҳар бир давлатнинг ҳарбий кучлари, юқорида таъкидлаганимиздек, аввало ўша давлатнинг тинчлигини, суверенитетини таъминлашга хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак, ўтган ҳафтада Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлигидаги учрашувни алоҳида таъкидлаш зарур. Маълумки, Тайван раҳбари Чэн Шуйбянь Миллий бирлашув кенгаши ва «Миллий бирлашув» дастурини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Элёр Ғаниев ХХРнинг мамлакатимиздаги элчиси Юй Хунцзюнни қабул қилиб, Ўзбекистон ягона Хитой тарафдори эканлигини маълум қилди. Давлатимиз ҳамиша ҳар бир мамлакатнинг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини тан олиб келган ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади.

Б. ЭГАМҚУЛОВ.

ҲУҚУҚШУНОС маслаҳати

Саволларингизга Тошкент шаҳар адвокатлар Ҳайъати халқаро-ҳуқуқий ишлар бўйича ихтисослашган ҳуқуқий маслаҳатхонаси адвокати Замира СИДДИҚОВА жавоб беради:

— Паспорт олганда, исм ва фамилияни ўзгартирса бўлади, деб эшитдим. У қандай тартибда амалга оширилади?

П. МУҲИДДИНОВ,
Ғузор тумани.

— Агар биринчи марта паспорт олаётган бўлсангиз, аввало, ота-онангиз, ҳомий ёки васийнинг розилиги билдирилган хат ва ариза билан яшаб турган жойингиздаги Фуқаролик ҳолати далолатномасини ёзиш органи (ФҲДЁ)га мурожаат қилишингиз керак. У ерда сизга исм, фамилиянгиз ўзгартирилган туғилганлик тўғрисидаги янги гувоҳнома берилади. Шундан сўнг сиз ўзингиз танлаган исм, фамилиянгиз ёзилган гувоҳнома билан паспорт олишингиз мумкин.

— Аёлнинг ҳомиладорлигини била туриб ишга олмаслик ёки ишдан бўшатиш мумкинми? Бунинг учун жавобгарлик борми?

С.УМИРОВА,
Бухоро шаҳри.

— Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 148-моддаси II қисмида меҳнат қилиш ҳуқуқини бузиш ҳолатлари кўрсатилган. Унга кўра, аёлнинг ҳомиладорлиги ёки бола парвариш қилаётганини била туриб, уни ишга олишдан бош тортиш ёки ишдан бўшатиш ғайриқонунийдир.

Агар бундай ҳолат юз берса, ҳуқуқбузар энг кам ойлик иш ҳақининг 25 бараваригача жарима ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

— Турар жой сотилаётганда ёки ота-она ўртасида мулк бўлинаётганда фарзандларнинг розилиги олинадими?

Ф. АЪЗАМОВ,
Гулистон шаҳри.

— Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 90-91-моддаларига мувофиқ, вояга етмаган фарзандлар ўз ота-онасидан ҳамда бошқа шахслардан қонунда назарда тутилган миқдорда ва тартибда таъминот олиш ҳуқуқига эга.

Лекин фарзандлар ота-она ҳаётлигида уларнинг мол-мулкига эга бўлиш ҳуқуқига эга эмас. Ўз навбатида ота-онада ҳам вояга етмаган болаларнинг мол-мулкига нисбатан мулкдор бўлиш ҳуқуқи йўқ.

Турар жой тасарруф этилаётганда фарзанднинг ушбу турар жойга умумий мулк ҳуқуқи мавжуд бўлгандагина розилик олинади. Умумий мулк ҳуқуқи фарзандда Фуқаролик кодексида белгиланган тартибда вужудга келиши мумкин (ҳадя, тадбиркорлик орқали орттирилган мулк).

— Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Оила кодексига никоҳ шартномаси тўғрисида янги банд киритилган, унинг моҳияти нимада?

У. ИСОҚОВ,
Хива шаҳри.

— Ҳақиқатан ҳам, 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига никоҳ шартномаси киритилган бўлиб, унга кўра, никоҳланувчи шахсларнинг никоҳда бўлган даврида ёки эр-хотин никоҳдан ажралган тақдирда уларнинг мулки, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи келишув — никоҳ шартномаси деб белгиланган. Бу шартнома никоҳ давлат рўйхатига олингунга қадар ёки никоҳ даврида, яъни эр-хотин бўлиб яшаётган вақтда ҳам тузилиши мумкин ва албатта нотариус томонидан тасдиқланиши шарт.

Никоҳ шартномаси эр-хотиннинг келишувига асосан исталган вақтда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Бунда ҳам ёзма равишда нотариал тасдиқланиши шарт.

Никоҳ шартномасини бажаришдан бир томонлама бош тортиш мумкин эмас. Лекин бир томоннинг талаби билан суд томонидан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

— Нима учун суд томонидан томонлар яшашни хоҳлашмаса ҳам бир неча маротаба ярашиш муддати берилади?

С. АЛИМОВА,
Пскент тумани.

— Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 40, 41-моддаларида никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар суд томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексида даъво ишларини ҳал қилиш учун белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Суд ишнинг кўрилишини кейинга қолдириб, эр-хотинга ярашиш учун олти ойгача муҳлат беришга ҳақли. Агар суд эр ва хотиннинг бундан буён биргаликда яшаши ҳамда оилани сақлаб қолишига имконият йўқ деб топилса, уларни никоҳдан ажратади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги Қарорида никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишни кўришда суд эр-хотинни яраштириб, оилавий вазиятни соғломлаштириш чораларини кўриш кўзда тутилган.

Оилани сақлаб қолиш мақсадида суд иккинчи марта ажратиш ҳақидаги ишни кўриб чиқишни қолдиришга ва эр-хотиннинг ярашиши учун қонунда кўрсатилган олти ойгача бўлган муҳлат белгилашга ҳақли. Чунки, суд оилани сақлаш учун, фарзандларни ота-она билан бирга яшаши, оила бузилмаслигини назарда тутади.

— Қўшимча таътил кимларга берилади?

Ш. ҲАМРОЕВ,
Навоий шаҳри.

— Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 232-моддасига кўра, 12 ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ фарзанди ёки 16 ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга ҳар йили уч иш кунидан кам бўлмаган муддатга ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилади. 12 ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки 16 ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга уларнинг хоҳишига кўра, ҳар йили 14 календарь кунидан кам бўлмаган муддатга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилади.

— Онам яқинда ўз номида бўлган уй-жойни менга ҳадя тариқасида расмийлаштириб берди. Турмуш ўртоғим билан ажрашмоқчи бўлсам судда никоҳни бекор қилиш ва мол-мулкни бўлиш ҳақида даъво кўрилаётганда турмуш ўртоғим мазкур уй-жойдан улуш олишга ҳаққи борми?

И. ТЎРАЕВА,
Шўрчи тумани.

— Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 25-моддасида эр-хотин ҳар бирининг мулки кўрсатилган бўлиб, никоҳ давомида ҳадя, мерос тариқасида ёки бошқа бепул битимлар асосида олган мол-мулклари уларнинг хусусий мулки ҳисобланади. Бу мулк эр ёки хотиннинг хусусий мулки бўлганлиги сабабли уларнинг биргаликда орттирган мулкига кирмайди. Суд хусусий мулкни бўлиб бериши мумкин эмас.

Салим ДОНИЁРОВ тайёрлади.

Боғнинг эгаси ким бўлади?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 январдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, Қашқадарё вилоятида боғдорчилик ва сабзавотчиликка ихтисослашган 12 та ширкат хўжалиги фермер хўжаликларига айлантирилмоқда. Шу кунларда бу хўжаликлар пайчилари ва аъзоларининг умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган қайта ташкил этиш комиссиялари боғ ва токзорларни ёпиқ аукционда сотиш, очиқ экин майдонларини тендер танловига қўйишга тайёргарлик ишларини ниҳоясига етказмоқдалар.



Фармон ва ижро

Қайта ташкил этилаётган хўжаликлар асосан Китоб туманида жойлашган. Кейинги йилларда об-ҳаво ноқулай келганлиги учун бу ерда мевали дарахтларнинг ҳосилдорлиги камайиб, хўжаликларнинг иқтисодий кўрсаткичлари ҳам пасайиб кетган эди. Мавжуд аҳволни яхшилаш учун эса боғ ва токзорларни совуққа, касалликларга чидамли навлар ҳисобига янгилаш керак. Бу ишни чуқур иқтисодий ислоҳотларни амалга оширмасдан туриб, бажариб бўлмайди. Ширкат хўжаликлари негизида фермер хўжаликлари ташкил этилаётганлиги, ер ҳақиқий эгасини топаётганлиги айни муддао бўлди.

— Хўжалигимизда 576 гектар боғ ва токзор бор, — дейди шу тумандаги Навоий номли ширкат хўжалигида бош ҳисилот бўлиб ишлаб келган Тўлқин Рўзиев. — Комиссия томонидан тузилган лойиҳалаштириш гуруҳи аъзолари келгусида ташкил этиладиган фермер хўжаликларига қулай шароит яратиш учун астойдил ишладилар. Боғларнинг ер тузилиши, суғориш шохобчалари, мева навлари ҳисобга олинган ҳолда 360 та лойиҳа ишлаб чиқилди.

Ширкат пайчилари ва аъзолари асосан боғдорчилик ва узумчилик соҳасида омилкор одамлар. Ҳозир талабгорларнинг аризаларини тўплаб, аукцион савдосига тайёргарлик кўраяпмиз. Яъни, биз қайта ташкил этиш комиссиясининг аъзолари Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланган «Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)нинг боғ ва узумзорларини сотиш тартиби тўғрисидаги Низом» талабларини ҳаммага тушунтираяпмиз.

Шу ўринда боғ ва токзорларнинг аукцион савдосини ташкил қилишда республика Кўчмас мулк биржаси мутахассислари катта ёрдам бераётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Биржа раҳбари Абдуваҳоб Имомалиев Китоб туманида қайта ташкил этиш комиссиялари аъзолари билан бўлган мулоқотда иштирок этиб, аукцион савдосининг ўзига хос хусусиятларини батафсил тушунтириб берди.

— Мен комиссия аъзолари, пайчилар ва ширкат азъолари билан мулоқотдан қониқиш ҳосил қилдим, — дейди у. — Ҳамма мавжуд ерлар ўз эгасини топиши, барча масалалар адолат юзасидан ҳал этилиши учун жон куйдираяпти. Биз комиссия аъзоларини боғ ва узумзорларни сотиш тартиби тўғрисидаги ҳужжатлар тўплами билан таъминладик. Аукцион савдосини ўтказиш тартибини амалда кўрсатиб бердик. Мақсадимиз битта: янгидан ташкил бўлаётган фермер хўжаликларининг барча ҳужжатлари Низом талабларига мос бўлсин. Ана шунда боғдорчилик ва узумчилик соҳасидаги ислоҳотларнинг самараси салмоқли, фермерларнинг дастлабки қадами эса қутлуғ бўлади.

Туман ҳокими Луқмон Ғаффоровнинг таъкидлашича, китобликлар Юртбошимизнинг боғ ва токзорларни ёпиқ аукционда сотиш ҳақидаги кўрсатмасидан жуда мамнун. Чунки тоғ ён-бағирларидаги бу боғлар шу ерда ишлаган боғбонларнинг кўп йиллик меҳнати туфайли бунёд бўлган. Уларни асраш, янада ривожлантириш, халқимиз дастурхонини ширин-шакар мевалар билан тўкин қилиш фақат шу соҳибкор боғбонларнинг қўлидан келади.

Биз баҳорий илиқликда яшил либосга бурканаётган боғларни оралаб, бу ерлардан боғбоннинг оёғи ҳеч қачон узилмаганлигига ишонч ҳосил қилдик. Дарахтларга чиройли қилиб шакл берилган, оқланган, қатор оралари чуқур ҳайдалган. Боғ эгасиз қолмаган. Февраль ойи об-ҳавоси одатдагидан иссиқ келганлиги учун боғбонлар аукцион натижасини кутиб ўтирмасдан, одатий юмушларини бажариб юришибди. Боғнинг эгаси шундай одамлар бўлиши керак. Уларга ишонса бўлади.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясида вилоятда қонунийликни мустаҳкамлаш ва жиноятчиликка қарши кураш масалалари муҳокама этилди.

ҚОНУНИЙЛИК ВА АДОЛАТ УСТУВОР БЎЛСИН

Вилоят ҳокими Ш.Нурматов бошқарган йиғилишда мамлакатимизда демократик ислоҳотларни амалга ошириш, жамиятда қонун устуворлигига эришиш, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётини ҳимоялашга алоҳида аҳамият қаратилаётгани таъкидланди.

Прокуратура органлари томонидан фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, бандлик ҳамда ижтимоий соҳадаги масалаларни ҳал этишга кўмаклашиш, вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича ҳам кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. Бироқ, кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, ўтган йили вилоятда жиноятчилик аввалги йилга нисбатан 4,01 фоиз, жумладан, ўта оғир жиноятлар сони 8,4 фоизга ошгани ташвишлидир. Фарғона, Марғилон шаҳарлари, Олтиарик, Охунбобоев, Ёзёвон, Данғара, Фурқат, Тошлоқ, Ўзбекистон туманларида аёллар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳолатлари кўпайгани эса бу борада таъсирчан чораларни амалга оширишни тақозо этади.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари ва бир қанча тегишли ташкилотлар фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда масъулиятсизликка йўл қўймоқда. Хусусан, раҳбарлик ваколатларини суиистеъмол қилиш, тамагирлик ҳоллари ҳамон учраб турибди. Аҳолини иш билан таъминлаш масаласи ҳам долзарблигича қолмоқда. Ижтимоий- сиёсий барқарорликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши кенг қамровли курашда жамоатчиликнинг фаол иштироки сезилмаяпти. Бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳамда маҳаллалар ҳамкорлигини кучайтириш лозим.

Йиғилишда сўзга чиққанлар мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири.

ЧОРВА — БАРАКА МАНБАИ

бунга эришиш учун тармоққа эътибор кучайтирилмоғи зарур

Қишлоқда яшовчи одам борки, ҳовлисида ҳеч бўлмаганда бир бош қорамолни ушлаб туриш, қўрасида эса уч-тўрт бош қўйни сақлаш пайидан бўлади. Нега деганда, эрталаб ва кечки пайт бир говмишдан соғиб олинган уч-тўрт коса сут бутун оила эҳтиёжига етади.

Дўппидек катакда тўртбеш дона товуқ боққан киши ҳам гўшт ва тухумдан кўнгли тўқ. Қолаверса, уйида қорамол сақлаган одам, мабодо пулга зориқиб қолгудек бўлса, жониворни бозорга чиқариб, мўмай даромад топади.

Чорвачилик қанчалик сердаромад тармоқ эканлигини Қўрғонтепа туманидаги «Аваз» наслчилик фермер хўжалиги мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Ҳайвонлар наслини яхшилаш, ердан мақсадли фойдаланиб, мустаҳкам озуқа базасини яратиш ҳисобига «Аваз»чилар ҳар бош сигирдан йилига 5600 килограммдан орттириб сут соғиб олмоқдалар. Наслдор сўқимлар эса 1000-1200 килограммгача тош босмоқда.

«Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби Комилжон Содиқов раҳбарлик қилаётган ушбу фермер хўжалиги эришаётган ютуқларнинг бошқа омиллари ҳам бор. Хусусан, фермернинг Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институти олимлари ва мутахассислари билан доимий ҳамкорлиги ўз самарасини бераётир.

Фермер хўжалигининг жами экин майдони 98,7 гектар бўлиб, шундан 36 гектари бедазор. Бултур шу ердан 745 тонна пичан жамғарилди. 21,7 гектар маккажўхоризордан 1041 тонна хушхўр силос, 41 гектар буғдойзордан ғарам-ғарам сомон тайёрланди. Шу тариқа 250 бош қорамолнинг маҳсулдорлигини озайтирмаган ҳолда қишловдан соғлом ва беталафот чиқиши учун етарли миқдорда ширали ҳамда тўйимли озуқа етиштирилди.

— Қишли-қировли кунларда ўғилкелинларни уйга жўнатиб, ўзим фермада ётиб қоламан, — дейди мулкдор. — Ярим кечаси туриб, молларга бир сидра хашак бераман. Чунки эллик бош соғин сигиримиз бор. Агар зарур миқдорда емиши бўлмаса, сигирнинг маҳсулдорлиги камайиб кетади.

Шунинг учун ҳам биз ўтган йили тўрт тонна гўшт, 172 тонна сут, уч минг дона тухум сотдик. Бундан ташқари, қўйларимиз сони 55 бошга, паррандаларимиз сони 330 тага кўпайди.

Шу тумандаги «Баҳром ота» фермер хўжалигида эса бундан беш йил аввал 200 дона жўжа боқувга қўйилиб, ҳовли этагидаги иморат паррандалар учун мослаштирилган эди. Ўтган йиллар мобайнида товуқлар сони 1000 тадан ортди. Улардан 130 минг дона тухум олинди. Бунинг эвазига 13 миллион сўм даромад қўлга киритилди. Айни кунларда фермер ўн бош қорамол, йигирма бошдан ортиқ новвос ва 40 та уя асаларини ҳам парвариш қилмоқда.

Долзарб мавзу



Хўш, ширкат хўжаликларида бу борадаги аҳвол қандай? Бугун Улуғнор туманидаги «Дўстлик», «Балиқчидаги «Сиза», Пахтаободдаги «Ўзбекистон» ширкат хўжаликлари, Шаҳрихон ва Бўз туманларидаги бўрдоқичилик базаларида бўлсангиз, муҳташам чорва бинолари нураб туганлигига ичингиздан ачинасиз.

Бўз туманидаги Шодмонов номли ширкат хўжалигида эса, масалан, 2003 йили ҳар бош сигирдан 1936 литрдан сут олинган бўлса, бултур бу кўрсаткич бор-йўғи 200 литрга тушибди. Қўйлар эса бир йилнинг ўзида 140 бошга камайибди.

Ёки бўлмаса, Шаҳрихондаги «Сардор» ширкат хўжалиги чорвачилик фермасини олиб кўрайлик. Раис Ойбек Шомаитовнинг айтишича, 2004 йилда ҳар бош сигир 333 килограммдан сут берган экан. Ўтган йили 200 килограммдан сут соғиб олинибди. Аммо ферма мудири Ашурали Жабборовнинг умр йўлдоши Ойсарахон Жабборова раиснинг бу гапини ҳам чипакка чиқарди.

— Соғин сигирнинг ўзи қолмаган, — деди у. — Бир йилга яқин бўлди сигир соғмай қўйганимга.

Шундан кейин туман қишлоқ ва сув хўжалик бўлимида бўлиб, чорвачилик бўйича хўжаликлардан олинган тезкор маълумотлар билан яқиндан таништик. Маълумотномаларнинг бирида «Сардор» ширкат хўжалигида ҳар бош сигирдан 200 кг.дан сут олинди» деган жумлага кўзимиз тушди. Энди бунисига нима дейсиз?

— Ҳайвонлар билан бирга бўлиб, бирга нафас олсангизгина кутилган натижага эришасиз, — гапнинг дангалини айтди Андижон туманидаги «Мухтор» фермер хўжалиги раҳбари Муҳаммаджон ҳожи Мўминов, — Ўзимиздан қиёс: 427 бош «Швиц» зотли қорамолимиз, 124 бош қўйимиз бор. Якунланган йилда 156 тонна гўшт, 176 тонна сут сотдик. Даромадимизнинг бир қисмига 111 бош бузоқ харид қилдик. Буларнинг ҳаммасини пулга чақсангиз, ҳазилакам маблағ бўладими? Бари меҳнат ва эътибор туфайли. Шунинг учун чорваям ерга ўхшаб ўз эгалари қўлига ўтса, озуқа етиштириш режалаштирилган ерларга бошқа экин экилмаса, ишонаманки, чорвачилик ҳақиқий фойда берувчи тармоққа, маъмурчилик манбаига айланади.

Вилоят ҳокимлиги ўтган йилдан бошлаб тармоқда йўл қўйилган хато ва камчиликларга барҳам бериш мақсадида аҳолига қорамол ва паррандалар сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар ажратиш, шу асосда чорвачиликни хусусийлаштириш борасида хайрли ишларни бошлади. Ўйлаймизки, бу саъй-ҳаракатлар ўз самарасини беради, албатта.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Окинавада намойиш

Окинава(Япония)даги Гинован шаҳрида 35 минг кишилик митинг бўлиб ўтди. Улар Американинг Футэмма денгиз-пиёда қўшинлари базасини зудлик билан ёпиш ва орол ҳудудидан ташқарига чиқариб юбориш талаби билан чиқишди. Намойиш маҳаллий вакиллик органидаги мухолифатчи партиялар аъзолари, касаба уюшмалари ва мустақил бирлашмалар томонидан ташкил этилган.

АҚШ ҳарбийларининг Японияда бўлиши масаласида ўтган йил октябрда олиб борилган музокаралардан сўнг, томонлар Футэмма базасини Окинаванинг Шимолий ғарбидаги Кэмп-Швабе объектига кўчириш ва бу ерда вертолёт майдончасини қуришга келишиб олганди.

База учун танланган жой норозиликка асосий сабаб бўлмоқда. Гинован аҳли учишлар пайтида шовқинлар кўтарилиши, экологиянинг бузилиши ва парвозларнинг хавфсизлиги борасида АҚШ ҳарбийларига ишонишмаяпти. 2004 йил августида Америка ҳарбий вертолёти Окинава Халқаро университети биноси устига қулаб, портлаб кетган эди.

Окинава бутун мамлакат майдонининг 1 фоизини эгалласа-да, бу ерда АҚШ объектларининг 75 фоизи жойлашган. Намойиш тугагач, қатнашчилар расмий Токиога мурожаат қилишди, деб хабар беради «Синьхуа» ахборот маҳкамаси.

Терроргa қарши тадбир



Покистонда «Толибон» ҳаракати тарафдорларидан бўлган 50 нафардан зиёд киши йўқ қилинди. Шанбадан якшанбага ўтар кечаси Покистон хавфсизлик кучлари Шимолий Вазиристоннинг Мироншоҳ, Мир-Али шаҳарларида аксилтеррор амалиётларини амалга оширишди. Жангарилар бу ердаги бир неча ҳукуматга қарашли биноларни эгаллаб олишган эди, деб хабар беради «Франц-Пресс».

«Тўқнашув» совриндор

Оскар мукофотининг 2006 йилги совриндорлари номи маълум қилинди. Пол Хаггиснинг

«Тўқнашув» картинаси йилнинг энг яхши фильми деб топилди. У «Мюнхен», «Хайрли тун ва муваффақият», «Капоте» ва «Букри тоғ» фильмларини ортда қолдирди. Ҳаммаси бўлиб 6,5 миллион долларга тушган бу картина ҳозиргача ўз ижодкорларига 55 миллион фойда келтирди.

Тинчликка чақириқлар

Маълумки, Фаластиндаги парламент сайловларида ғолиб бўлиб, ҳукумат тепасига келган «Хамас» ҳаракати делегацияси Россияда бир қатор учрашув ва музокаралар ўтказмоқда. Уларнинг барчасида «Хамас» қуролли зўравонлик усулидан воз кечишга, Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш жараёнини тўхтатмасликка чақирилмоқда. Жумладан, Москва ва бутун Рус патриархи Алексий II ҳам тинчлик ўрнатишга чақириб, «Ишончимиз комилки, Фаластин ва Исроилда муросага келишдан бошқа чора йўқ. Биз Яқин Шарқда иккала давлат ҳам яшаши мумкинлиги ҳақидаги БМТ қарорини ҳамиша қўллаб-қувватлаймиз. Умид қиламизки, мусулмонлар ва насронийлар ўртасидаги музокаралар тўхтатилмайди», деди.

Қор хуружи

Кучли қор бўронлари Франция маркази ва шимолий ҳудудларида ҳаракатни тўхтатиб қўйди. Минглаб одамлар тунни юра олмай қолган машиналар ва поездларда ўтказишга мажбур бўлишди, деб хабар беради ИТАР-ТАСС. Йўлларда мингдан зиёд енгил ва юк автомобиллари қолиб кетган.

Тадқиқотларини давом эттириш эвазига

Эрон раҳбарияти агар ядро тадқиқотлари ўз мамлакатида давом эттирилса, уранни бойитиш жараёнини вақтинча бошқа давлатга кўчиришга тайёр эканлигини билдирди. Бу ҳақда Эрон Олий миллий хавфсизлик кенгаши котиби, ядро музокараларидаги асосий шахс Али Ларижоний баёнот берди.

Президент даъвати

Ироқ президенти Жалол Талабоний мамлакат бош вазири Иброҳим ал-Жаъфарийни миллий барқарорлик йўлида истеъфо беришга чақирди, деб хабар беради «Рейтер» ахборот агентлиги. Иқтисодий муаммоларни ҳал қила олмаётгани туфайли унинг сиёсатига кўпчилик қарши чиқмоқда. Натижада сўнгги кунларда мамлакат ҳудудида бир қанча тўқнашувлар юз берди.

Вирус туфайли

Хитой соғлиқни сақлаш вазирлиги яна бир кишининг парранда гриппи туфайли вафот этганини тасдиқлади. «Рейтер» ахборот агентлиги хабарига кўра, Гуандун музофотида яшовчи 32 ёшли киши 2 март куни H5N1 вирусидан вафот этди.

IPOTEKA BANK

Муҳтарам аёллар, опа-сингиллар!

Сизларни кириб келаётган 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами билан табриклаймиз. Қалбингизни баҳор нафаси ҳеч қачон тарк этмасин. Доимо гўзал ва латофатли бўлиб юринг.

Баҳор айёмининг туҳфаси сифатида

«ИПОТЕКА-БАНК»

Сиз азизларга йиллик 34% устама тўлаш шарти билан 2 ойга муддатга қабул қилинадиган «МУҚАДДАС АЁЛ» омонатини тақдим этади.

Омонатнинг энг кам миқдори 100 000 сўм.

Бундан ташқари қуйидаги омонатларга ҳам маблағлар қабул қилиниши давом этмоқда.

	Йиллик фоиз	Муддати
«Адолат»	35%	6 ойга
«Жозиба»	35%	3 ойга
«Маиший тўлов»	30%	12 ойга
«Нур»	28%	15 кунга
«Баҳор»	24%	45 кунга

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган.

МАРҲАМАТ, БИЗНИНГ КАССАЛАР СИЗНИ КУТМОҚДА.

Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 132-13-18, (8-371) 133-31-62. info@ipotekabank.uz

«Ипотека-банк» — капиталингиз кўпайишига имконият яратади.

2253R/241

«ПАХТАБАНК»:

ҲАМ ОМОНАТ, ҲАМ ПЛАСТИК КАРТОЧКА

Мамлакатимизда аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш, шу асосда банк ресурс базасини ошириб, иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш ҳамда молиялаш орқали товар ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу йўналишда Узбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари молиявий муассасалар фаолиятида дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Банклар томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар эса ўз самарасини бермоқда.

Аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилишда, айниқса, мижозлар манфаатларига мос равишда фоизлар белгиланиши катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу борадаги изчил фаолият «Пахтабанк»нинг республика депозит бозорида ўз ўрнини янада мустаҳкамлашга ҳамда банк томонидан таклиф қилинаётган банк хизматлари доирасини кенгайтиришга замин яратмоқда.

Биргина жорий йилнинг ўтган даврида омонатлар бўйича йиллик 37 фоизгача миқдорда фоизлар белгиланганги, умуман, «Пахтабанк» тизимида аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш ва уларнинг манфаатдорлигини ошириш мақсадида ҳозиргача омонатлар тури 21 тага етказилгани шундан далолат беради. Мисол учун, ўтган даврда "Сиҳат-саломатлик йили" муносабати билан банк томонидан аҳолига таклиф этилган даромад миқдори йиллик 35 фоизли "Саломатлик", йиллик 32 фоиз даромад тўланадиган "Мураббий", коммунал тўловларни амалга ошириш учун йиллик 30 фоиз устама фоиз ҳисобланадиган "Маиший тўлов", муддатига мутаносиб равишда йиллик 24-37 фоиз даромад тўланадиган "Фаровонлик", шунингдек, "Кафолат", "Орзу", "Мўъжиза", "Имконият", "Обод юрт", "Хазина" муддатли омонатлари аҳоли ўртасида катта қизиқиш уйғотди.

Банк томонидан депозит ҳамда фоиз сиёсати стратегиясининг тўғри танланганлиги натижасида омонатчилар сони ҳам йил сайин кўпайиб боряпти. Жумладан, 2006 йилга келиб жами омонатчилар сони 240 мингдан ошди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни ижросини таъминлаш юзасидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, «Пахтабанк» Вазирлар Маҳкамасининг "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида"ги 326-сонли қарорига мувофиқ ташкил этилган Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фондининг аъзоси ҳисобланади. "Тижорат банклари томонидан Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фондига мажбурий бадаллар тўлаш ва маълумот тақдим этиш тартиби тўғрисидаги Низом»га асосан, доимий ҳамкорлик қилиш мақсадида у даврий мажбурий бадалларни ҳар чоракда тўлаб бормоқда. Айни чоғда банк Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 августдаги "Банклардаги депозит ҳисоб рақамларидан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида"ги ПҚ-147-сонли қарори талаблари ижросини таъминлаш юзасидан ҳам муайян ишларни рўёбга чиқармоқда. Масалан, вилоят филиаллари томонидан депозит ҳисоб рақамларидаги омонатлар тўловлари нақд пулда узлуксиз берилмоқда. Филиалларда мижозларнинг нақд пулга бўлган буюртмаларини ўз вақтида узлуксиз таъминлаш мақсадида ташкил этилган заҳира фондлари эса доимо ўрнатилган лимит миқдорида нақд пул билан таъминланмоқда.

Банк томонидан микропроцессорли пластик карталарга асосланган нақдсиз тўлов тизимини ривожлантириш борасида ҳам катта ишлар қилинаяпти. Эътиборлиси,«Пахтабанк» пластик карточкасини ишлаш механизми юксак даражадаги телекоммуникацияни талаб қилмайдиган «DUET» дастурий таъминотига уланган. Устига устак, у пластик карт хизмат турини нафақат Тошкент шаҳрида ва вилоят марказларида, балки туман ва қишлоқ жойларида ҳам ташкил этиш имконини берди. Шу билан бирга, ушбу дастур орқали мижозларга таклиф қилинадиган пластик карт "смарт технологияси" асосида ишлаб чиқарилганки, бу тўлиқ хавфсизликни таъминлайди.

Республикамизда банк соҳасида ривожланиб келаётган, истиқболи порлоқ йўналиш — пластик карталар орқали нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш тизими эканлиги эндиликда барчага аён. Шуни ҳисобга олиб, АТ «Пахтабанк»и томонидан бу борада бир қатор ишлар амалга оширилди. Аввало, пластик карталар воситасида нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш учун зарур меъёрий-ҳуқуқий асослар яратилди.

Аниқроқ қилиб айтганда, барча вилоят бошқармалари «DUET» тизимида бош қатнашчи сифатида, филиаллар эса операцион пункт сифатида ишлашлари тўлиқ таъминланди. Олиб борилган ишлар натижасида, 2006 йил 1 январь ҳолатига кўра, 440 мингдан ортиқ пластик карталар жисмоний шахслар ўртасида жойлаштирилди. Шунингдек, 1550 та савдо терминали аҳоли гавжум жойларда жойлашган савдо ва хизмат кўрсатиш шоҳобчаларига ўрнатилди. Ушбу терминаллар орқали эса ҳозирги кунда аҳолидан коммунал тўловлар, маҳсулот ва хизматлар учун тўловлар қабул қилинмоқда.

2005 йил 31 декабрь ҳолатига кўра ана шу мавжуд пластик картларга 19 млрд. 23 млн. сўм маблағ жалб қилинди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2.2 баробар кўпдир. Савдо ва хизмат кўрсатиш шоҳобчаларига ўрнатилган терминаллар орқали ўтган йили 4 млрд. 624 млн. сўмлик нақд пулсиз ҳисоб китоблар амалга оширилиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 5 баробар кўпайтирилди. Терминаллар орқали ҳисоб-китоблар ҳажмини эса ҳар ойда олдинги ойдагига нисбатан 300 млн. сўмга оширишга эришилди. Бу борадаги ишларни аҳоли ўртасида янада кенгроқ тарғиб қилиш учун оммавий ахборот воситаларида турли чиқишлар, реклама ва эълонлар доимий бериб борилаётганини таъкидлаб ўтиш жоиз.

2006 йилда эса аҳолининг пластик карточкалардан фойдаланишга бўлган қизиқишларини янада кучайтириш, шунингдек, аҳолига савдо ва хизматлар кўрсатувчи хўжалик субъектларининг терминаллар орқали нақд пулсиз тўловларини кўпайтиришга рағбатлантириш учун дисконт дастурларини жорий қилиш, совғалар тақдим этувчи ютуқли схемалар ҳамда бонуслар ташкил этиш режалаштирилган. Кредит пластик картларни амалиётга янада кенгроқ қўллаш, аҳолининг муайян ижтимоий қатламларига имтиёзли пластик карталарни ишлаб чиқиш ва тақдим этиш ҳам мўлжалланмоқда.

t

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ

«ПАХТАБАНК»

барча хотин-қизларни 8 март байрами билан чин дилдан муборакбод этади!

Сизларга янги, қулай ва манфаатли бўлган

«НАВБАҲОР»

муддатли омонатини таклиф қилади.
Ушбу омонатнинг сақлаш муддати 3 (уч) ой бўлиб, йиллик 36 фоиз миқдорида даромад тўланади.

Бошланғич бадал миқдори — 100 000 сўм.

Ҳисобланган фоизлар омонатнинг сақлаш муддати тугаганидан сўнг омонатнинг асосий суммаси билан бирга тўланади.

Шошилинг, омонатга маблағлар жорий йилнинг 31 мартигача қабул қилинади!

Омонатга қўйилган маблағингиз Ўзбекистон Республикаси Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган.

Омонатингизни ишончли асраймиз ва кўпайтирамиз.

«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

NG SERVICE ЎЗБЕКИСТОН-АМЕРИКА ҚЎШМА КОРХОНАСИ

Юридик ва жисмоний шахслар диққатига!

«NG SERVICE» ҚК дунёнинг қуйидаги машҳур компанияларининг сервис-маркази ҳисобланади: Hewlett-Packard, EPSON, APC, Fujitsu SIEMENS Computers, LG, Canon, Xerox, MASTER GUARD.

Сервис-марказ
кафолатли, кафолат муддатидан кейинги таъмирлаш, компьютерлар, принтерлар, UPS, нусха кўчириш техникасига хизмат кўрсатиш ҳамда локал-ҳисоблаш тармоқларини қуриш ва модернизация қилиш ишларини бажаради.

Шунингдек,
етакчи ишлаб чиқарувчиларнинг асл (оригинал) бутлаш, эҳтиёт қисмлар ва сарфлаш материалларини улгуржи-чакана савдосини ҳам бажаради.

Ўзбекистоннинг барча минтақаларида 12 филиалимиз мавжуд.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Лисунов кўчаси, 2-уй.
Мўлжал: Авиасозлар саройи.
Телефонлар: 194-57-85, 194-57-87, 199-50-22, 199-52-84.
E-mail: support@nuron.uz

2123Б/199 ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

«Ўзбексавдо» акциядорлик компанияси тугатилади. Кредиторларнинг талаблари «Ўзбексавдо» акциядорлик компаниясининг Тугатиш комиссияси томонидан эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой давомида қабул қилинади.

Манзил: 700021, Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 25-уй. Телефонлар: 139-16-08, 139-11-70, факс 139-43-00.

«Ўзбекбирлашув» акциядорлик компанияси тугатилади. Компания кредиторларининг талаблари мазкур эълон чоп этилгандан икки ой муддатда компаниянинг Тугатиш комиссияси томонидан қабул қилинади.

Тугатиш комиссияси манзили 700000 Тошкент ш., А. Темур кўчаси 60-«А» уй. Тел: 134-10-21, 135-77-66, факс 135-20-76.

РАСПРОДАЖА !!!

ГРАНДИОЗНАЯ РАСПРОДАЖА в ОАО "ТАШ КСМ"

КЕРАМИЧЕСКОЙ ПЛИТКИ,

изготовленной на Итальянском оборудовании

ТОЛЬКО в МАРТЕ!

6460 сум/м² ⇒ 4800 сум/м² = 300 x 300
4300 сум/м² ⇒ 3300 сум/м² = 200 x 300, 150 x 150, 150 x 200

Такого еще не было!

качества

товар сертифицирован

Тел.: (998-712) 50-83-54, 50-92-94.
Адрес: Ташкент, ул. У. Насыра, 2-й пр. д. 2.

НАЖОТ ГУЛШАНИ

Сайхон яйловларида икки адир нарига ошсангиз, бас, мағрибу машриқ қайси томонда эканини адаштириб қўясиз. Ҳозиргина гувиллаб эсиб турган шамол тингандай бўлади. Ҳо-ов узоқдан қўнғиздай бўлиб ўрмалаб келаётган сув ташигич машинанинг қайси томонга бурилганини илғамай қоласиз. Қаршимизда турган чўнг тепаликнинг устига чиқиб қарасак, манзил қўниш берар, деган умидда олдинга ўрмалайсиз.

Нафас ростламоқ учун энди оч яшил тусга кира бошлаган тупроққа чўккалайсиз. Далв ойининг ўрталари. Узлуксиз тўрт кун ёққан ёмғир, қордан замин худди дам еган ощдай ҳалимлашиб қолган. Бағридан ҳовур кўтарилади. Адирларнинг кунтегмас ўнгирларидаги қор юқлари яраклаб туради. Бултурги баҳор хасларининг орасида чумолилар тимирскиланиб юрганини кўриб беихтиёр қувониб кетасиз. Э, баҳор ҳам кеп қопти-ку деб ўйлайсиз.

Навбатдаги адирликдан ошгандик ҳамки, итларнинг ҳуришини эшитдик: кўтоннинг устидан бориб қолипмиз. Кўтоннинг эгаси билан танишамиз. Худойқулбой Жамғиров узун бўйли, бошини сал пастга ташлаб юрадиган, кенг-мўл жемпери барини пахтали шимига солиб олган одам.

Салом-аликдан сўнг Худойқул ака қўранинг томига ташлаб қўйилган тулкига ишора қилди.

— Кимнингдир қопқонига тушган экан, кўп қон йўқотибдими, ўлиб қолди бечорагина. Ёшгинаси экан, — деди у ачинганини яширмай.

— Қаранг, қопқон олдинги оёғини қисиб олган. Тулки тортқиланган. Қозиққа боғланган ипни тишлабми, узган. Сўнг қопқонни судраганча ўмганлаб кўрамиз томонга жўнаган. Одамдан нажот излаб келган-да.

— Шунча эҳтиёткору айёр нарса-я.

— Бўлмасам-чи. Итларимизга чап бериб келибди. Эшигимизнинг олдига кепти, жонивор. Қурғур, ўзику зараркунанда. Индамасанг, қўзиларни бўғизлайди. Еб кетади. Бироқ... Тулки бўла туриб бизни қора тортиб кепсанми, ноумид бўлма, дедим. Қопқондан бўшатдим. Жароҳатига малҳам босиб боғлаб қўймоқчи бўлсам, қўлларимни ялайди. Миннатдорчилигини билдириб-да. Кўзларида бўлса жиққа ёш. Айтдим-ку, кўп қон йўқотган экан деб. Ўлди. Бултур ҳам шундай бўлувди. У тулки каттароқ эди. Оёғини боғлаб, ҳе-ей итлардан узоқроқ жойга қўйиб келганман. Шундай. Қурт-кумурсқадан тортиб, эҳей, одамзотдан ҳамма нарса умидвор. Ана шу битта қумурсқага яхшилик қилинг, яхшилигингиз ўзингизга тоғдай бўлиб қайтади. Бугун бўлмаса, эртага қайтади.

Худойқул ака эрта баҳорда ниш урган майсани, ёз жазирамасида қовжираган ўт-ўланларнинг бўйини, чучмоманинг илдизини фавқулодда чаққонлик билан кавлай бошлаган дангаса тошбақанинг ҳаракатларини хуш кўрган, ҳатто, қўнғизларнинг бир-бирига айтадиганларини тинглай биладиган одам экан. Ва ҳайвонлар, жониворлар ҳақида кўрганкечирганларини гапирганида бир завқи тошар эканки.

— Биз сигирни овсарроқ, соддароқ ҳайвон фаҳмлаймиз, — дейди у гурунгини давом эттириб. — Бир гал лекин қизиқ воқеа бўлди. Олдимга солиб ҳайдаб кетаётган сигирим бирдан ортига қайрилиб, менга томон юрди. Чу-чулаб йўлга соламан десам ҳам қайтмайди. Бир замон қадами жадаллашди. Ўзини оёғимга ташлагандай бўлди. Билсам, шу пайт оёғимга оғиз солмоқчи бўлган қутурган итни шохлаб, мени бир балодан халос қилган экан. Ҳайронлар қолдим.

Шундан сўнг мезбон бизни қўй қўрасининг нариги ёнбошида босилган янтоқ ғарами томон бошлади. Туяларини кўрсатди. Туялари учта. Нортуя қалин лабларини осилтириб олганича ўмганини ерга бериб, ҳордиқ олаяпти. Ўрғочи туя янтоқ кавшаяпти. Чамаси туғилганига ўн ойликлар бўлган ва олдинги оёғидан боғлаб қўйилган бўталоқ шўхроқ кўринди. Худойқул ака унинг бўйнидан ушлаган эди, бўталоқ пишқириб берди. Оёқларини баландга кўтариб қозиғи атрофида чопқиллади. Унинг шўхлигидан алағда бўлибми, нор туя ўмганини кўтарди. Атрофга қаради. Лабларини баттар осилтириб олиб, пастки жағини силкитганча дағал ғудирлади. Чамаси, бўталоғимни тинч қўйинглар, деган бўлди.

— Нортуямиз — тажанг-роқ, — дейди Худойқул ака. — Ароқ ичган, нос чеккан одамни ёмон кўради. Ёмон кўрганда... тепади. Боши билан уради. Тишлайди.

— Туя нимага керак? — деб сўрайди ҳамроҳим.

— Туя — тайёр инсулин, — дейди мезбон. — Сути қанд касалига шифо. Тивитидан кийим тўқиб кийинг - қораоқсоқ бўлмайсиз. Гўштини еган одамнинг буйраги, жигари соғлом бўлади. Шуни била туриб одамларнинг туя боқмаганига ҳайрон қоламан. Мана, Сайхоннинг 100 минг гектарлик яйловида шу учтадан бошқа туя йўқ. Шаҳарга тушганимда, қарайман-да, одамлар дорихоналарга навбатга туришади. Чангалларини тўлдириб таблетка ейишади. Агар туя боқ десангиз-чи, сизга бурунларини жийириб қарашади.

Биз Худойқул ака билан хайрлашмоқчи бўламиз.

— Э-ҳе, ҳали мен сизларга бобом ҳақидаги гурунгимни айтмаппан-ку, — дейди у паншахадай қўллари билан сочларини ишқалаб. — Бобомиз овчи бўлган. Амударёнинг соҳилларида бўри овлаган ва бир куни йўлбарснинг наханг билан олишуви устидан чиқиб қолган. Наханг сув ичиб турган она йўлбарсга ҳамла қилади. Думи билан уриб, белини синдириб юборади.



Дарёга қулаб тушган йўлбарсни балиқлар тилка-порасини чиқариб ташлайдилар.

Нар йўлбарс қасд олишга чоғланади. Соҳилга чўккалаб ўтириб олиб нахангни олишувга чорлайди. Наханг, ниҳоят, оқимларнинг бағрини ёриб бир ҳафтадан сўнг пайдо бўлади. Хунхор йўлбарс ғанимнинг пешонасига чанг солади. Наханг сувга шўнғийди. Осмонга сакрайди. Дарёнинг бағри қонга беланади. Йўлбарс унга чипқондек ёпишиб олган. Бўш келмас. Қўйиб юбормас. Нахангнинг қилич бўлиб, чақин бўлиб ўйнаб турган думи бўшаша бошлайди. У енгилади. Голиб йўлбарс зўр-базўр соҳилга судралиб чиқади. Томошанинг зўридан анграйиб қолган овчи бобо йўлбарснинг шундоқ оёғи остига келиб, чўзилиб ётганини сезмай қолади. Қарасаки, йўлбарснинг суяги лат еган. Терилари шилинган. Думларини ликиллатаяпти. Овчидан нажот кутаяпти.

Овчи бобо енгини шимаради. Жароҳатга малҳам босади. Желагини йиртиб йўлбарснинг ўмганига чирмаб боғлайди. Олдига хўрак ташлайди. Уни ўн кун боқиб оёққа турғизади.

— Қазо қилганидан сўнг ўша йўлбарс учта боласи билан бориб бобомнинг қабри бошида уч кеча-кундуз ётган. Аза очган. Мана сизга оқибат! Яхшиликнинг шарофати, — дейди Худойқул ака жемперининг енги билан кўзларини артиб олиб. — Менда ҳам шундай — чумчуқ касал бўлсаям эшигимга келаверади. Тулкини-ку, ана, кўриб турибсиз.

Одамнинг бағри нажот гулшани бўлсин.

Мана бу — ҳақиқий бахт. Биз ахтарган бахт!

Олимжон УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Спорт

Мамлакатимизда аккеридитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналар ва халқаро ташкилотлар вакиллари ўртасида турли спорт турнирлари ўтказиш анъанага айланган.

Элчилар дона сурдилар

Эсингизда бўлса, ўтган йили Ташқи ишлар вазирлигининг дипломатик ваколатхоналарга хизмат кўрсатиш бошқармаси, Италия, Россия, АҚШ ва Қозоғистон мамлакатларининг Ўзбекистондаги элчихоналари ташаббуси билан шахмат турнирига асос солинганди.

Вазирликнинг қабуллар уйида анъанавий турнирнинг навбатдагиси бўлиб ўтди. Яқинлашиб келаётган Наврўз байрамига бағишлаб ўтказилган мусобақада ўндан ортиқ давлат ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Икки кун давом этган мусобақада умумжамоа ҳисобида Ташқи ишлар вазирлиги жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди. Қозоғистоннинг мамлакатимиздаги элчихонаси жамоасига иккинчи, Чехия элчихонаси вакилларига учинчи ўрин насиб этди. Шахсий биринчиликда Қозоғистоннинг мамлакатимиздаги элчиси Тлеухан Кабдрахманов шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олди ва кўчма кубок билан тақдирланди. Ташқи ишлар вазирлиги вакили Мардон Ёқубов ва Бангладеш элчихонасидан Суннат Каримовлар иккинчи, учинчи ўринларни эгаллашди.

— Элчихоналар жамоалари ўртасида ўтказиладиган футбол, гольф турнирларида ҳам мунтазам қатнашиб келаман, — дейди Қозоғистоннинг мамлакатимиздаги элчиси Тлеухан Кабдрахманов. — Спорт халқлар ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Мусобақа баҳона қадрдон дўстларимиз билан дийдорлашдик. Фурсатдан фойдаланиб ўзбекистонликларни яқинлашиб келаётган Наврўз айёми билан табриклайман.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.
Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

O'ZSANOATQURILISHBANK

«Ўзсаноатқурилишбанк» жамоаси меҳрибон аёлларимизни баҳор байрами – 8 март билан табриклайди.

Барча аёлларимизга соғлиқ, бахт ва оилаларига тинчлик тилайди!

Азиз аёллар!
Уйингизда ҳамиша тинчлик ва хотиржамлик, тотувлик ва тўкин-сочинлик бўлсин!

«Ўзсаноатқурилишбанк» республикамиз аҳолисига «ШОДЛИК» деб номланган жозибали муддатли омонатидан фойдаланишни таклиф қилади. Мазкур омонатга 2 ой муддатга энг камида 100 000 сўм миқдорида маблағлар қабул қилинади ва йиллик 35 фоиз ҳисобидан даромад тўланади.

«Ўзсаноатқурилишбанк»да сақланадиган аҳоли омонатлари Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган.

Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: 120-45-24, 136-06-54.



Банк томонидан мижозларга янада қулайликлар яратиш мақсадида VISA BUSINESS халқаро корпоратив пластик карточкалари жорий қилинди. Бу карточкалар юридик шахсларга ва хусусий тадбиркорларга пластик карточкалар орқали нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш имконини беради.

Мазкур пластик карточкаларнинг афзалликлари шундаки, у орқали корхона ва ташкилотлар, хусусий тадбиркорлар учун зарур бўлган барча жиҳозларни, жумладан **канцелария моллари, компьютер, теле-радио аппаратуралар, автомобиллар учун ёнилғи-мойлаш материаллари, уй-рўзғор буюмлари** каби товарларни ҳамда хизмат сафарлари учун авиачипталар сотиб олиш имконияти мавжуд.

Шу билан бирга «Ўзсаноатқурилишбанк» пластик карточка эгаларига уяли телефон орқали карточка ҳисобрақамидаги маблағни билиш имкониятини берувчи **SMS-Banking** хизмат турини ҳам таклиф этади. Бундан ташқари, уяли телефонга пластик карточка орқали амалга оширилган ҳар бир операция тўғрисида SMS-хабар келади, бу эса пластик карточкаларнинг хавфсизлигини таъминловчи воситалардан биридир.

Маълумот учун телефонлар: 120-45-42, 120-45-46.

Давлат солиқ қўмитаси Матбуот хизмати хабар қилади

Бир балоси бўлмаса...

Бешариқ тумани давлат солиқ инспекцияси ходимларининг бу галги рейди у шаҳардан бу шаҳарга ташилаётган юклар қанчалик қонунийлигини ўрганишга бағишланди. Шу мақсадда Хўжакент-Бешариқ йўналиши бўйлаб ҳаракатланаётган давлат рақами 15N 86-75 бўлган «КамАЗ» юк машинаси тўхатилди.

Ҳайдовчи А. Арутюнян рейд қатнашчиларини кўрдию, бир зум ўзини йўқотиб қўйди. Чунки машинага юкланган шакар учун тайинли ҳужжат йўқ эди. Юк Тожикистон Республикасининг Хўжанд шаҳрида ортилганини ва Қўқон шаҳрига етказиб берилиши зарурлигини биларди, холос.

Солиқчилар ҳужжатсиз юкни бирмабир кўздан ўтказишга мажбур бўлдилар. Шу жараёнда юкконада 476 қоп 23 минг 800 килограмм 21 миллион 420 минг сўмлик шакар борлиги аниқланди. Дастлабки суриштирув давомида у фуқаро М. Абдуллаевга тегишли эканлиги маълум бўлди. Ноқонуний маҳсулот вақтинча сақлаш учун туман «Матлубот савдо» акциядорлик бирлашмасига қарашли 2-дўконга топширилди.

Тошкент-Нукус йўналиши бўйлаб қатнаётган давлат рақами 20N 27-65 бўлган «Мерседес-Бенц» русумли автобус тўхатилиб, юкконасидаги маҳсулотлар назорат тартибида кўрикдан ўтказилганида, фуқаро У. Еримбетова ҳужжатсиз 549 минг сўмлик 274,5 литр этил спиртини устама нархларда сотиш учун олиб кетаётганлиги аён бўлди.

Ушбу ҳолат ҳужжатлаштирилиб қонуний чора кўриш учун тегишли идораларга юборилди. Текширув материаллари ўрганилиб, фуқаро У. Еримбетовага нисбатан Жиноят кодексининг 181¹-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

HYUNDAI
DONGNAMUZ-MOTORS OFFICIAL DISTRIBUTOR OF HYUNDAI MOTOR COMPANY
DONGNAMUZ MOTORS



Address: 8, Afroslab str., Tashkent
Tel.: (998-71) 152-26-07(08), Fax: (998-71) 152-17-25
E-mail: hdnuz@yahoo.com www.uzbekistan.hyundai-motor.com

Sonata NF
Elantra
Coupe
Santa Fe
Tucson
Terracan
Matrix
H-1 Starex
Grandeur XG

ТАШКИЛОТ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН автомобиллар ва қишлоқ хўжалиги техникаси учун қуйидаги корхоналарда ишлаб чиқарилган кенг ассортиментдаги
ШИНАЛАРНИ сотади:
ЯШЗ Волтайр УРАЛШИНА

ЕНГИЛ МАШИНАЛАР УЧУН, ЕНГИЛ ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН, ОҒИР ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ УЧУН
Телефонлари: (99871) 137-10-61, 137-20-76, 137-20-84, 334-64-21.
ТОВАРЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН. ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.
ROSAVA
АККУМУЛЯТОРЛАР
WESTA

Россия, Курск шаҳри
NEW
Украина, Днепропетровск
Шиналар буюртма бўйича 30-35 кунда Украина ва Россиядан вагонларда келтирилади.
Улгуржи ва чакана савдо қилиш филиаллари манзиллари:
Наманган ш., «Дўстлик» шоҳкўчаси, 1-А уй. Тел.: (3692) 24-56-60.
Андижон ш., «Мирпўстин» к., 20-уй. Тел.: (3742) 24-04-88.
Данғара ш., «Тошкент» к., 74-уй. Тел.: (37357) 2-19-06.
Термиз ш., Ч.Сафаров к., 80-уй. Тел.: (37622) 2-45-85.

На самый изысканный вкус!
По индивидуальным заказам и европейским каталогам.
Декоративные металлоконструкции:



- ограждения,
- перила,
- решетки,
- а также любая мебель из металла.

Действует система скидок.
Тел.:169-15-33, факс 162-39-66
E-mail: toemz1@sarkor.uz

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Гидрометеорологик жараёнларга таъсир этиш ҳарбий-лашган бошқармаси жамоаси ҳисобчи Фируза Баймуратовага онаси

САЛОМАТХОН аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбек Миллий Академик драма театри жамоаси Ўзбекистон халқ артисти Рихсивой Авазовга ўғли

РАСУЛЖОНнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 557. 34883 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — М. Жонихонов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 22.00 12345